

Иккига иккини қўшса, беш бўладими?



22:00 / 26.05.2022 7913

Бир куни корхона раҳбари қўл остидаги уч нафар ходим билан суҳбат ўтказди. Уларга: «Иккига иккини қўшса беш бўладими?», дея савол берди.

Биринчи ходим: «Ҳа жаноб, беш бўлади», деди.

Иккинчи ходим: «Ҳа жаноб, беш бўлади, агар бирни қўшсак», деди.

Учинчи ходим: «Йўқ жаноб, бу хато, аслида тўрт бўлади», деб жавоб берди.

Эртаси куни ходимлар учинчи ходимни ишхонада кўрмадилар. Сўраб-суриштирадилар, ишдан бўшатишгани маълум бўлди. Корхона ўринбосари раҳбарининг ёнига келиб: «Жаноб, нега кечаги учинчи ходимни бўшатиб юборилди?», деб сўради.

Раҳбар бу саволга:

«Кеча «иккига икки беш бўлади» деган ходим ўта кетган ёлғончи, шу билан бирга ўзининг ёлғончи эканлигини ҳам билади. Бизнинг корхонамизда эса бу каби ходимларга талаб бор.

Кеча «иккига икки беш бўлади, агар бирни қўшсак» деган ходим, закий, ҳушёр, шу билан бир қаторда ўзининг бу қобилиятини яхши билади.

Учинчи ходимга, яъни «иккига икки беш бўлмайди, аслида тўрт бўлади» деган ходимимга келсак, у ростгўй одам, шу билан бирга ўзининг бу фазилатини ҳам яхши билади. Бундай ходим бизни чарчатади. Ундайлар билан муомала қилиш қийин», деб жавоб берди.

Шундан сўнг раҳбар ўринбосаридан: «Энди айтчи, иккига икки беш бўладими?», деб сўради.

Ўринбосар: «Жаноб, сўзингизни эшитдим, уни шарҳлашдан ожизман, мендек бир оддий одам билимдон кишининг гапини изоҳлаб беролмайди», деди.

Шунда раҳбар: «Сенга ўхшаганларни мунофиқ (лаганбардор, хушомадгўй, маддоҳ) дейилади. Сенга ўхшаганларни бизнинг корхонамизда севилади», деди.

Хулоса

Бугунги кундаги аччиқ воқелик шуки, гўзал иш қилувчи ва сўзловчилар хунук деб аталмоқда, мақтовга сазоворлар ёмон кўрилмоқда, ёмонланмоқда, аҳмоқ, овсар, эси пастлар мақталмоқда, ўғрилар юксак мақомга кўтарилмоқда, шарафлилар синдирилмоқда.

إذا ملسو هيلع هللا ىلص هللا لوسر لاق لاق هنع هللا ىضر ةري ره ىبأ نع
دنسأ اذا لاق هللا لوسر اى اهتعاضا ىفك لاق ةعاسلا رظت نافع ةامأل ت عىض
ةعاسلا رظت نافع هلله رىغ ىل رملأا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Қачон омонат зое бўлса, Қиёматни кутавер», – дедилар.

«Унинг зое бўлиши қандай бўлади, эй Аллоҳнинг Расули?» – деди. Шунда у зот:

«Қачон иш ўз аҳлидан бошқага топширилса, Қиёматни кутавер», – дедилар».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Аллоҳ таоло барчамизни маддоҳ, лаганбардор, сохта, мунофиқ, ёлғончи, фосиқ бўлишдан Ўзи асрасин, ҳаммамизни мухлис, муҳиб, ростгўй ва адолатли бўлишимизни насиб этсин!

Охирги дуоимиз, «Оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин» дейишдир.

Қуйидаги мақола асосида видеоролик тайёрланган. Видеороликни ушбу ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.instagram.com/tv/CeBqTsOIRQa/?igshid=YmMyMTA2M2Y=>

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси.

Хуршид Маъруф тайёрлади.